



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 17 декабрь, № 243 (4906)

Пайшанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда) 6-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

Тўртинчи ва бешинчи қисмлар қуйидаги мазмундаги тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Вазирларнинг ва давлат кўмиталари раисларининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ташкил этиладиган ҳўжалик бошқаруви органларининг раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.

Давлат бошқаруви органлари хайъатларининг аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ташкил этиладиган ҳўжалик бошқаруви органлари бошқарувларининг аъзолари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

олтинчи қисм еттинчи қисм деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 16 декабрь  
№ УРҚ-233

## Жером де ля Порт:

### «ЎЗБЕКИСТОН ИШОНЧЛИ ҲАМКОРДИР»

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбир Франциянинг ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий доиралари ва тадқиқот марказлари, оммавий ахборот воситалари, дипломатик корпуслар, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Брифинг чоғида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги муносабати билан шу йил 5 декабрь куни бўлиб ўтган ва Президент Ислоом Каримов нутқ сўзлаган тантанали йиғилишнинг ёзиб олинган видеолавҳаси намойиш этилди.

#### Дунё нигоҳи

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Президенти маърузасининг мазмун-моҳияти, мамлакатнинг Асосий Қонуни тамойиллари, Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий

(Давоми 3-бетда.)

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Жаҳон иқтисодиётида жадал ривожланаётган соҳалардан бири — бу фармацевтика саноатидир. Бундай ижобий ҳол юртимизда ҳам ҳукми сураётгани, айниқса, қувонарлиқдир. Зотан, миллат соғлиғи, эл саломатлигини асраш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, янги фармацевтика корхоналарининг ишга туширилаётгани ва ишлаб чиқаришга замонавий технология линиялар жалб этилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарори тизимда бутунлай

янги даврни бошлаб берди. Мазкур ҳужжат асосида пойтахтимиздаги «Radiks» илмий ишлаб чиқариш корхонаси тубдан янгиланди. Бу ерда модернизациялаш ишлари доирасида чет давлатларнинг сунгги русумдаги технология усуналарини олиб келиб ўрна-

#### Қарор ва ижро

тилди. Натижада маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ўнлаб турдаги дори воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айтайлик, 2008 йилда умумий қиймати

864,6 минг АҚШ долларлик уссуна орқали инфузион препаратлар ишлаб чиқариш бошланган бўлса, жорий йилда 365,5 минг АҚШ долларига келтирилган хориж технологияси ёрдамида қуруқ ҳолдаги антибиотиклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай кенг қўламли янгиланишлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

## «АГРОБАНК» ЭНГ ЯХШИ ДЕБ ТОПИЛДИ

«The Banker» халқаро журнали томонидан ҳар йили ўтказиладиган танловда «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб топилди ва 2009 йилда «Йил банки» сертификати сазовор бўлди.

Ўзбекистон банки хизматларининг жаҳон молия бозорига юқори эътироф этилгани бежиз эмас. Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда аграр секторни ривожлантириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Маълумки, Президент Ислоом Каримов томонидан 2009 йил юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Бу борада қишлоқда ишлаб чиқариш ва

#### Эътироф

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиёт аграр сектори самардорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжали-

гида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қучли туртки бериш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўша корхоналарни ташкил этишни жадаллаштириш, бандлик даражаси ўсишини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастурни амалга оширишда аграр тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 3-бетда.)

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Сифатли мрамор плиталар

САМАРҚАНД. «Иштихон темир-бетон» масъулияти чекланган жамиятида янги цех ташкил этилиб, мрамор плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Цехни барпо қилиш ҳамда уни замонавий усуналар билан жиҳозлаш учун 50 миллион сўм маблағ сарфланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўзини оқлапти. Ҳозир бу ерда ойига 1500 квадрат метр ҳажмдаги силлиқ мрамор ишлаб чиқарилиб, мижоз-

ларга етказилмоқда. Қолаверса, харидорларга қулайлик яратиш мақсадида корхона қошида махсус дўкон ишга туширилди.

А. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Манфаатли шартномалар имзоланди

АНДИЖОН. Республика Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида халқаро савдо кўргазмаси ташкил этилди.

Австрия, Англия, Россия, Туркия, Беларусь, Польша, Хитой сингари ўнга яқин мамлакатларнинг йирик компаниялари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда балик ва гўштни қайта ишлаш, озиқ-овқат, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қадоклаш ҳамда сақлашга мўлжалланган замонавий технологиялар намойиш этилди.

Эътиборлиси шундаки, андижонлик тадбиркор ва фермерлар мукамал минитехнологиялар, жиҳозлар ҳамда усуналарни харид қилиш юзасидан 38 та шартнома имзоладилар.

О. ШОДНОМАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар ошиб, жами

1534,4 миллион долларни ташкил этди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикамизда қулай ишбилармонлик муҳитининг сақланиши соҳада ана шундай ижобий кўрсаткичга эришиш имконини берди.

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Модернизация шарофати

НАВОИЙ. Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон — 2000» масъулияти чекланган жамиятига қарашли қурилиш материаллари корхонасида модернизациялаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Натижада бу ерда қунига 40 минг донга турли ҳажмдаги сифатли ғишт ишлаб чиқаришга эришилмоқда. 120 кишилик ушбу жамоа йил охиригача 5,3 миллион донга пишик ғишт тайёрлашни ўз зиммасига олган. Бунинг учун 650 минг АҚШ долларига харид қилинган Хитой технологияси ўрнатилмоқда.

Дарвоқе, ушбу технология ишга тушгач, корхона ишчилари сони яна 120 нафарга кўпаяди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## САЙЛОВ — 2009

Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари чикишлари билан танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

## АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР, ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Айни пайтда сайлов кампанияси қизгин паллага кирди. Хусусан, сайлов округлари ва участкаларида депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилиб, фуқаролар ўзларини қизиқтирган маълумотлардан воқиф бўлишмоқда. Бу ҳақда «Халқ сўзи»нинг Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги мухбирлари хабар қиладилар.

Бухоро шаҳридаги 68-Ширбудин сайлов участкаси барча қулайликларга эга бинода жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтадиган 27 декабрь куни бу ерга 2941 нафар фуқаро келиб, сайловчи сифатида ўз ҳуқуқини рўйбга чиқариши кўзда тутилган. Шулардан 83 нафарини сайловда илк бор овоз берадиган ёшлар ташкил этди.

— Бу кун мен учун муҳим аҳамиятга эга, — дейди Бухоро газ саноати касб-хунар коллежи ўқувчиси Темура Ражабов. — Сайлов участкасига келиб, депутатликка номзодлар ҳақида атофлича маълумот олдим. Сайлов комиссиялари аъзолари мени ва мен тенги ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришаётди.

Участкада рўйхатга олинган сайловчиларнинг исми-шарифлари ёзиб қўйилган. Шунингдек, бу ерда барча турдаги алоқа воситалари, зарур қўлланмалар мавжуд бўлиб, иш қонун ҳужжатлари талаби асосида юритилмоқда.

— Комиссиямиз ўн тўққиз кишидан иборат таркибда фаолият юритаётди, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Марзия Шодиева. — Уларнинг барчаси эл-орт ўртасида обрў қозongan ташкилотчи кишилардир. Ҳар бири ўз вазифасини яхши билади ва уни сидқидилдан бажаради. Ўз навбатида, биз аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилувчи имкониятлардан унумли фойдаланишга интиляпмиз. Айниқса, сайловчиларнинг номзодлар билан сайловчи учрашувларини сиёсий партиялар билан келишган ҳолда ташкил этаёلمиз.

Айтиш жоизки, Бухоро вилоятида барча даражадаги сайловларни ўтказувчи 466 та участка сайлов комиссияси

фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтгача улар сайловчилар рўйхатини тузиш, фуқароларни овоз бериш жойи ва вақти тўғрисида хабардор этиши ишларини белгиланган муддатда нияҳасига етказишди.

— Ўзбекистонда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларимиздан бири экани Асосий Қонунимизда белгилана кўйилган. — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институтининг шарқ филологияси ва таржиманшунослик факультети талабаси Нарғиза Тонована. — Бу йил мен биринчи марта сайловда иштирок этман ва юртимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган, жамият ва давлат ишларига энг фаол қатнашадиган номзод учун овоз бераман.

Нарғиза ва унинг тенгдошлари овоз берадиган Самарқанд шаҳридаги 50-Регистон сайлов округига қарашли 2-сайлов участкаси улар таҳсил оладиган институт биносига жойлашган. Сайлов участкасида фаолият кўрсатилган 11 нафар фаол тайёргарлик ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйган. Участка учун ажратилган хонада сайловчиларга зарур барча ҳуқуқий ва норматив ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида, ўтказилажак сайлов ҳар бир фуқаро учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Хона замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлиги эътиборга лойиқ.

Сайлов участкаси раиси Азамат Пардаев бу ерда шаҳар ва вилоят миқёсида семинарлар ўтказилганлиги ҳақида гапириб берди. Бу бежиз эмас. Мазкур сайлов участкасининг иш тажрибаси бутун вилоят миқёсида оммалаштириляётди.

Хуллас, 27 декабрь куни ушбу сайлов участкасидан 1176 нафар сайловчи, шу жумладан, биринчи бор сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 208 нафар йигит-қиз ўзлари маъқул толган номзодлар учун овоз берадилар.

Истом ИБРОҲИМОВ,  
Абдурасул САТТОРОВ.

### Сўз — халқаро кузатувчиларга

## САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ОШКОРА ҲАҚИДА ИШОНАМИЗ

Жорий йил 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчи кузатиб бориши қўтилмоқда. ЎзА мухбири мамлакатимизга келган баъзи кузатувчиларнинг дастлабки таассуротлари билан қизиқди.

Евгений СЛОБОДА, МДХ Кузатувчилар миссияси штаби раҳбарининг ўринбосари:

— Мамлакатингизда сайлов жараёнига пухта тайёргарлик қўрилгани, барча шароит яратилганининг гувоҳи бўлдим. Сайловнинг очик ва ошкора ўтишини таъ-

минлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш халқаро ташкилотлардан кузатувчилар тақлифи этилгани диққатга сазовор. Бу сайловнинг ҳаққоний ўтишига ишончли оширади.

(Давоми 3-бетда.)

### Қуввати ошди

ЖИЗЗАХ. Форишдаги «For-tek» жун йиғирув корхонаси модернизация қилинган, унинг ишлаб чиқариш қуввати икки ҳисса ортди.

Бунинг учун хориждан 8 та замонавий дастгоҳ олиб келиб ўрнатилди. Натижада бу ерда йилга 80 тонна жун қайта ишланиб, 35-40 тонна калава ип тайёрлаш имконияти турилди.

Эътиборлиси, корхонада технология янгиланиш ишлари олиб борилгач, ишчилар сони 18 нафарга кўпайди. Шунингдек, 12 нафар касаначи жалб этилди. Ҳозирда улар томонидан тайёрланаётган гиламлар ички бозорда харидориг бўлиб бормоқда.

Б. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ  
ШАРҲИ



24 соат ичида АҚШнинг "ЕхонМобил" нефть компанияси ўз рақобатчиларидан бири — "ХТО Energy" фирмасини сотиб олди.

Рақобатчисини сотиб олди

Ушбу келишув учун компания 41 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлаган. Экспертларнинг сўзига қараганда, "ЕхонМобил"нинг бу хариди унинг нефть ва газ бозоридаги нафъи ва гас бозоридаги нафъи олишига хизмат қилади. Чунки айни пайтда "ХТО Energy" фирмасининг қаз захиралари 45 триллион куб метрни ташкил этади.

Банк тунаб кетилди

Покистоннинг Карачи шаҳридаги "Allied Bank" банкнинг филиалларидан бирида ўғирлик содир этилди.

Гап шундаки, беш нафар қуролланган шахс бинога бостириб кириб, 3,7 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағни олиб чиқиб кетган. Жиноятчилар орасида молия муассасаси кўриқчиларидан бири ҳам бўлгани айтилмоқда. У навбатчилик алмашилаётган вақтда шерикларнинг бинога киришига имкон яратиб берган. Ҳозирча Покистон банкларидан бундай катта миқдордаги маблағ тунаб кетилмаган эди.

Тизимдаги носозлик сабаб



Мельбурн (Австралия) аэропортининг компьютер тизимида юзага келган носозлик сабаб, қариб элликта йўналишдаги парвоз кечиктирилди.

Натижада "Virgin Blue" авиакомпанияси тўрт мингга яқин йўловчисига ўз вақтида хизмат кўрсата олмади. Манбада айтилишича, нуқсон аниқланган бўлса-да, уни бартараф этишнинг имкони бўлмапти. Шу боис аэропорт маъмурияти йўловчиларни қўлда рўйхатдан ўтказишга қарор қилган. Шунингдек, авиакомпания маъмурияти Мельбурнида меҳмон саналган йўловчиларни тунаш учун жой билан таъминлашни ҳам маълум қилган.

Лицензияга эга бўлиш лозим

"The Financial Times" нашрида ёзилишича, 16 декабрдан бошлаб Хитойда шахсий интернет саҳифаларини руҳсатсиз очиб таққилаб қўйилган.

Эндиликда ушбу халқаро алоқа тизимидан жой олиш учун Хитой ахборот интернет маркази(CNNIC) лицензиясига эга бўлиш талаб этилади. Ҳозирда мамлакатда 16,3 миллиондан ортиқ шахсий интернет саҳифалари рўйхатга олинган.

Узоқ умр гарови

Ёшига нисбатан ёш кўринган одамлар кўпроқ умр кўришлари мумкин экан.

Даниялик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келинган. Мутахассислар бу жараёнда 387 жуфт эгизак ҳаётини кузатишган. Яқинда эса ўз эгизидан ёшроқ кўринганлар кўпроқ ўшаши исботланган. Олимларнинг фикрича, бунга уларнинг туқима қатламларидаги ўзгаришлар сабаб бўлган. Яъни, ёш кўриниши, асосан, инсон организмидagi навқиронликдан далолат экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жером де ля Порт:

«ЎЗБЕКИСТОН ИШОНЧЛИ ҲАМКОРДИР»

Брифингда сўзга чиққан Пантеон Ассас Париж II (Pantheon-Assas Paris II) университети профессори Жак Барра Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқий давлатнинг мустақам асоси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг гарови эканини таъкидлади.

Профессор "Ўзбекистон раҳбари томонидан олиб борилган қучли ижтимоий йўналтирилган сиёсат, Ўзбекистон тараққиётига йўл улак муваффақиятлар, хусусан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши бизга генерал де Голл сиёсатини эслатади, — дейди. — Биз французлар IV республика парламентаризми мамлакатни қандай зафлаштириб қўйганини яхши биламиз. Кейин эса давлатни оёққа турғазни мақсадида 1958 йилда ҳукумат бешинчи республика режимини ўрнатган генерал де Голлга ўтишни кутишга тўғри келди. Қучли ижро ҳокимиятига асосланган ушбу режим туфайли Франция қўллаб-қувватлаш бартараф этиб, келгуси иқтисодий ривожланишни таъминлай олди".

Ж. Барра Ўзбекистон Конституциясининг ҳокимияти тармоқларининг бўлиниши, икки палатали парламентнинг фаолият юритиши, инсон ҳуқуқлари таъминлашнинг қарорларини ва уларнинг назоратини олиб боруви идора ҳамда тузилмаларнинг мавжудлиги каби масалаларга

тегишли бўлган бир қатор қоидаларига баъфсил тўхтади. Маърузачи 2008 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинганлигини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига қўра, ушбу қарор мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жамиятни бутунлай демократлаштириш сари қўйилган муҳим қадам бўлди.

ни амалга ошириш борасида эътиборли натижаларга эришилгани ҳақида сўз юртар экан, Фарбнинг баъзи давлатлари Ўзбекистонга демократиядан сабоқ бермоқчи бўлиши номаъқул эканини таъкидлади. Унинг сўзларига қўра, "Бундай давлатларга мустақилликнинг бунчалик қисқа тарихий даврида замонавий демократик жамият барпо этиш мумкин эмаслиги,

ри билан ажралиб туришларига шахсан амин бўлдим. Дарҳақиқат, ёш авлод мамлакатнинг ўзи сингари изчил ва юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Жером де ля Порт, шунингдек, Конституциянинг асосий, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқларни таъминлаш борасидаги Ўзбекистоннинг эришган ютуқларини алоҳида таъкидлади.

"Ўзбекистон — ишончли шерик ҳисобланади. Бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шариотида мамлакат 2009 йилда улкан иқтисодий ўсиш суръатини намойиш этди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг профессионал ва билимдон иқтисодчи Исом Каримов раҳбарлигидаги тараққиёт йўли тўғрисида эканидан далолат беради. Ўзбекистон Президентининг шахси ва у олиб бораётган оқилона сиёсат, Францияда ривожланган жамият барпо этишга, кўп жиҳатдан, меҳнати сингган генерал Шарль де Голлни эслатади.

Ўзбекистон Республикаси парламент тизимида Экологик ҳаракатга 15 та ўрин ажратилиши билан олиб бораётган иқтисодий мулк замонийлиги ва узоқни кура билиш хусусиятига эгалиги билан ажралиб туради. Бу Ўзбекистон ҳукуматининг ўта муҳим аҳамият касб этиши экология ва атроф-муҳит масаласига жиҳдий эътибор қаратаётганидан дарак беради".

Тайланд Кириллининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили О. Суэб-Сити эса шундай дейди:

— Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи ортиб бораётгани кўрсатилган бир пайтда, мамлакат Конституцияси бугун маънавий, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг, энг асосийси, мамлакат иқтисодийнинг тадрижий ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги даражасининг юқалишини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дипломатнинг хулосасига қўра, Ўзбекистоннинг Асосий Қонун Конституциявий қурилишининг замонавий ғоялари ва демократиянинг универсал тамойилларига нечоғли таянса, ўзбек давлатчилиги тарихий ривожининг бой тажрибасига шунчалик таяниши билан ҳам аҳамиятлидир.

«Жаҳон» АА. Париж

САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ОШКОРА ҲАМКОРДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз сайлов қонунчилиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгаришлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти, сайловга тайёргарлик қириш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Ҳар бир давлат ўз сайлов тизимини яратиш ва жорий этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага қўлайтирилган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш, инсон саломатлигини яхшилаш масалалари назарда тутилиб, 15 депутатлик мандати Ўзбекистон Экологик ҳаракати аъзоларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан МДХ Қузатувчилар миссияси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Миссиямиз турли вилоят ва шаҳарлар-

да бўлиб, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг сайловоди ташвиқотлари билан яқиндан танишишни режалаштирган.

Мен Ўзбекистонда 2004 йили парламент ва 2007 йили бўлиб ўтган Президент сайловларида иштирок этганман. Ушунда сайлов участкаларининг мушташам саройларда, муассасалар, идора ва ташкилотларнинг, ўқув юртларининг замонавий биноларида, маданият ўйлаётган ташкил этилганлиги кўриб, Ўзбекистонда сайловчиларнинг эркин овоз бериши учун яратилган қўлай шарт-шароит ва имкониятларга ҳавасим келган эди.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент шаҳри йил сайини гузаллаштириб бораётди. Бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, халқ фаровонлигини юқалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирилади.

Ў.А. мухбири Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, корхона иш бошлаган 2002 йилда 11 турдаги препарат тайёрланган эди. Бугунга келиб, уларнинг тури 100 дан ортиб кетганини жамоа ислохотларнинг ёрқин самараси сифатида эътиборга олинади. Эътиборлиси, бу ерда заманида ўсадиган гиёҳлар асосида дорилар тайёрлаш бўйича илмий изланишлар асло сўнгатирилгани йўқ. Бу эса қўйилган самараларни берапти. Қадемай, 8 та фарматерапевтик гуруҳга кирувчи 20 хил янги дори воситаси ишлаб чиқаришга жорий этилиши мўлжаллангани бунга мисол бўла олади.

Айни пайтда корхонанинг 122 кишилик жамоаси томонидан маз, таблетка, инъекцион ва суюқ ҳолдаги препаратлар ишлаб чиқарилаётди. Миллий стандарт талабларига тўла жавоб берадиган дориларни тайёрлаш ва қадоқлашда хориждан келтирилган замонавий технология линиялар қўл келмоқда.

— Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги "2009 йилда sanoat kooperatsiyasi asosida tayёр mahsulotlar, butlovchi buyumlar va materiallar ishlab chiqarishni mahalliy lashtirish dasturi turgusida"gi qarori korxonamiz rivojida yangi sahim ochi, — deydi "Radiks" ilmiy ishlab chiqarish korxonasi direktori Abdugafur Karimov. — Gap shunda, ushbu qarorga asosan, bizning korxonamiz Mahalliy lashtirish davlat dasturiga kirilib, 2012 yilgacha chetdan olib kelinadigan uskunalar va butlovchi qismlar, hom ash va qushimcha komponentlar uchun barcha bojxona tolovlaridan ozod qilinadi. Xisob-kitob natiжалariga qura, davlatimiz tomonidan berilgan bu imtiyoz tufayli 845,4 million sum miqdorida mablag iqtisodiy kili narx ekан. Bu sarjomani, eng avvalo, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilib, yangi preparatlar tayёрlashni uzlashtirishga, qushimcha ish joylari yaratib, ishchilarni ijtimo-

ий химоялашга йўналтириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб олдик. Мамлакатимизда фармацевтика sanoati korxonalarini qullab-quvvatlashga qaratilgan chora-tadbirlar, ayniqsa, jahon moliyaviy iqtisodiy inqirozining salbiy oqibatlarini bartaaraf etishda muhim ahamiyat kasb etayotgani diqqatga sazovor dir. Bu ishlab chiqarish suryati ning muttasil oshishi, eksport salohiyatining yuksalishi, yangi ish joylarining ochilishida namoён bulayotir. Bularning bari asosiy mezon — salomatligimizni asrashga xizmat qiladigan dori-darmonlarning serob bulishini taъminlayapti. Joriy yilning 11 oyida "Radiks" ilmiy ishlab chiqarish korxonasi tomonidan 7 milliondan 136,6 million sumlik preparatlar ishlab chiqarilib, isteъmolchilarga etkazib berilgani buning ёrkin dalilidir.

Самд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«АГРОБАНК» ЭНГ ЯХШИ ДЕБ ТОПИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифаси аграр сектори барқарор юқалтириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчил чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига кенг қўлмалли банк хизматларини кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молия-

вий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони доирасида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз корхоналарининг иқтисодий салохиятини оширишда фаол иштирок этмоқда.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг «The Banker» халқаро журнали томонидан юқсак баҳоланган барқарор фаолияти Ўзбекистонда агросаноат тармоғини муваффақиятли ривожлантиришга қўмақлашадиган муҳим омиллардан биридир.

В. РУДАКОВА, Ў.А. мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

- кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади: 1. Ижтимоий фанлар кафедраси: профессор (1). 2. Фармация кафедраси: мудар, доцент (2), катта ўқитувчи (2). 3. Фармакология ва клиник фармация кафедраси: профессор (1). 4. Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси: мудар, доцент (1), катта ўқитувчи (1). 5. Ботаника, физиология ва микробиология кафедраси: доцент (2), катта ўқитувчи (2), ўқитувчи (1). 6. Тайёр дори турлари технологияси кафедраси: профессор (1). 7. Фармакогнозия кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (1). 8. Биотехнология кафедраси: ассистент (1). 9. Тиллар кафедраси: ўқитувчи (2). 10. Органик ва биологик кимё кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (1). 11. Органик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси: профессор (1), ассистент (2). 12. Жисмоний тарбия кафедраси: мудар, катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (1). 13. Фармация ишнини ташкил қилиш кафедраси: катта ўқитувчи (1). 14. Фармацевтик кимё кафедраси: ассистент (1).

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой. Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: 256-32-46, 256-38-39. Факс: 256-45-04.

Озиқ-овқат, энгил sanoat ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, улгуржи базалар, хунармандлар, истеъmolчилар диққатига!



Иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий халқ истеъmol товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, республика ҳудудида жойлашган улгуржи ва чакана савдо корхоналари билан товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги узвий алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъmol товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази» биносида шу йил 22-24 декабрь кунлари

«Еғмоёозиқовқатсаноат», «Ўзгўштсўтсаноат», «Ўзбек чармрийабзали», «Ўззўттехсаноат», «Хунарманд» уюшмалари, «Ўзвиносаноат-холдинг», «Ўздонмахсулот», «Ўзбек-енгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзавтосаноат» компаниялари, «Ўзметкомбинат»

бирлашмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлар томонидан 2010 йилда ишлаб чиқариладиган гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, салқин ичимликлар, консервалар, курук ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, шунингдек, энгил sanoat маҳсулотлари, машиий техника, қозғ буюмлар, маданият ва хўжалик молларини истеъmolчиларга etkazиб бериш бўйича

Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча халқ истеъmol моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат! Ярмарка телефони: (+99871) 227-10-44.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг телефонлари: (+99871) 239-48-26, 239-46-03, 239-46-97.

«ВОЛГА» АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



Автосалон: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 118-уй. Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22. Офис: Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.

Шунингдек, сотувда 3307 русумли вахта автобуслари ҳам мавжуд. МАКСИМУМ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**Ю**рт тинчлиги, Ватан равақи, халқ фаровонлиги миллий мафкурамизнинг асосий йўналишларини ташкил этади. Президентимиз Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек, биз танлаган йўл миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА САДОҚАТ

## туғусини фарзандларимиз қалбига синдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир

Айни пайтда давлатимиз раҳбари таъкидлаган ушбу тушунчаларни одамлар онгига чуқурроқ синдиришда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар уюштирялмоқда. Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари аҳамиятини атрофлича шарҳлаш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш юзасидан олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятимизнинг барча шахар ва туманларида белгиланган дастур асосида ўтказилаётган бу тадбирларда ёшларимизга маънавият хусусида кўпроқ тушуна берилмоқда. Негаки, инсон камолоти, унинг шахс сифатида шаклланиши

да маънавий қудрат муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аждодлардан мерос қадриятларимизни тиклашга, поймол этилган, таҳрирланган урф-одатларимизни эъозлашга алоҳида эътибор қаратдилар. Бу билан жамиятни маънавий етуқликка ундаш, фуқароларда, айниқса, ёшлар қалбига она-Ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга садоқат ҳиссини кучайтириш лозимлигига урғу берилмоқда. Аслида, бизнинг маънавий сарнамаларимиз илдизи олис ўтмишга бориб тақалади. Улуғ аждодларимиз босиб ўтган йўлни, уларнинг илмий-адабий меросини урганар эканмиз, тарбияга, одобага, ахлоққа нечоғли юксак эътибор билан қаралганига гувоҳ бўламиз. Эътибор беринг, яқинда олимлар антика тадқиқот таҳлилларини эълон қилдилар. Унга қўра, тарихда жажон мисқисида минг нафар аллома ўтган бўлса, шундан беш юзтаси Шарқ халқлари, айнан икки юз нафари эса бизнинг ватанимизда камол топган

экан. Бу — жуда катта маънавий куч. Ана шундай бебаҳо меросга эга бўлган халқнинг мустабил тузум даврида камситилиши эса зилл сувиной дойкалатиш билан баробар бўлди. Уша даврда фарзандларимизга тарих сохталаштирилиб ўргатилди, уларнинг онгу шуурига етти ёт гоғлар синдиришга ҳаракат қилинди. Фақат мустақиллик шарофати, Ўртбошимизнинг оқилона сиёсати,

нақлни ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси деб биламиз. Гап шундаки, жойларда ўтказилаётган тадбирларга маҳалла оқсоқолларини ҳам жалб этамиз. Кўпни кўрган, ҳаётий тажрибаси бор бундай кишиларнинг фикру мулоҳазалари ёшларимизни қизиқтираётганини, уларни бефарқ қолдирмаётганини ўз кўзимиз билан кўраялмиш. Масалан, тўй-маросимларни ихчамлаштиришни олай-

### Маънавият

жасорати туфайли бундай қинғирликларга бутунлай барҳам берилди. Маънавиятга, тарбияга, таълимга эътибор давлат миқёсидаги вазифага айланди. Энг муҳими, бундай из-

лик. Бу борада "Маҳалла", "Нуруний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Камолот" ЕИҲ каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Миллий удумларимиз ва тантаналаримиз", "Тартибли маросим", "Ибратли тўй", "Тежамкор оила", "Ортиқча сарф-харажатга йўл қўймайлик", "Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз" каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда. Натижа эса кўнгли-

Хўш, бундай камчилики қандай бартараф этиш мумкин? Илгари ота-боболаримиз бирор оиладаги келишимчиликдан воқиф бўлсалар, теъдда уни бартараф этишга қаришган. Нафақат уша оила шайни, балки маҳалла-қўй номини ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилишган. Шу йўл билан ёш оилаларга, ўсиб келаётган авлодга ўрناк қўрсатишган. Бугун ана шундай тарбиянинг ноб анъаналарини ўрганиб, таъдик ва татбиқ этиб бормоқдамиз. Шах-шубҳасиз, бу сингари эзгу савий-харақатлар келгуси — "Баркамол авлод йили"да ҳам изчил давом эттирилади. Зеро, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун ҳамиша энг долзарб вазифа бўлиб қолгусидир.

**Акмал УМАРАЛИЕВ,**  
Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари.

## МАДАНИЯТ

### хабарлари

Гулистон шаҳридаги Суратлар галереясида сирдарёлик ёш rassomларнинг асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

### Суратларда Ватан мадҳи

Асосий Қонунимизнинг 17 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда академик лицей ва касб-хўнар коллежларининг санъат йўналишида таълим олаётган ўқувчилар билан бир қаторда туманлардаги ижодий марказлари аъзолари ҳам иштирок этишди.

Кўргазмада 350 та рангтаъсир, 60 та мозаика, 40 та матога ишланган суратлар намойиш этилди. Мустикалик иншоотлари, табиат манзаралари, бахтли болаликни акс

## ҚИШЛОҚЛАРДА НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

### аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

Мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги ислохотлар натижасида бугунги кунда нафақат шахар ва туман марказлари, балки энг чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам замонавий шифо масканлари бунёд этилиб, мукамал тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Жумладан, олис Қизилқум овулларида истиқомат қилаётган аҳолига юксак сифатли тиббий кўрсатиш тизими шакллантирилганлиги ҳам ана шундай туб янгиланишлар самарасидир. Бир пайтлар бу овулда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди, дейилса, ҳеч ким ишонмас эди. Энди эса ушлалмас орузларнинг ҳам рўёбини кўраялмиш.

Умуман, бугун вилоятда замонавий қишлоқ врачлик пунктлари, республика шойлици тиббий ёрдам илмий марказининг филиаллари, ихтисослаштирилган шифо марказлари фаолият юритаётди. Айни дамда ҳудудда 136 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, ушбу шифо масканларидаги тиббий мўлажалар аҳолига манзур бўлмоқда. Негаки, ҚВЛлардаги замонавий ташхис ускуналари, юрак фаолиятини аниқ текширувчи жиҳозлар аҳолининг мушкулени осон, узогини яқин қилмоқда. Эндиликда юртдошларимиз шифокор маслаҳатини олиш учун юзлаб чақирим йўл босиб, овора бўлмайдилар.

Шу пайтга қадар вилоятнинг айрим ҳудудларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда баъзи қийинчиликлар учраб турар эди. Эндиликда бу масаланинг ечимни топишда Яъни Зарафшон шаҳри ҳамда Учкудук, Томди туманларининг олисдаги маъдан конлари ва чорвачилик масканларида ишлаётганлар учун санитар транспорт воситалари хизмати йўлга қўйилди. Шунингдек, вилоятнинг шимолӣ ҳудудларида малакали шифокорлар етишмаслиги муаммоси ҳам ҳал этилди. Мамлакатимизнинг тиб-

биёт олий ўқув юрларида таълим олаётган бўлажак шифокорларни ҳудудлардаги шифо масканларига янада кенгроқ жалб этиш бўйича иш олиб бордик. Эндиликда ҳар йили магистратура ва клиник ординатурано битирган 20-30

стистика институтининг вилоят филиали ҳамда еттига туманда Саломатлик марказлари ташкил этилди. Ушбу тиббий масканлар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Масалан, жукуматимиз кўмаги билан Рес-

публика шойилици тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали стационар ва портатив рентген аппаратлари, ультратовуш асбобининг энг сўнгги моделлари билан жиҳозланди.

Эътиборлиси, "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича қишлоқ жойлардаги туғруққа кўмаклашиш муассасаларининг моддий-техник базаси-



ни мустаҳкамлаш мақсадида бирмунча ишлар бажарилди. Хусусан, вилоят марказида жойлашган туғруқ мажмуасида ҳамда Кармана, Қизилтепа, Хатирчи, Нурута, Томди, Учкудук, Навабахор ва Қонимех туманларидаги туғруқхоналар бюджет ва ҳоимйлар маблағлари ҳисобидан мукамал таъмирланди.

Кейинги йилларда хорижда ишлаб чиқарилган тиббий ускуналардан самарали фойдаланиш учун шифокорларнинг бу борадаги тажрибасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 197 нафар врач, 918 нафар ўрта тиббиёт ходими касб малакасини оширган бўлса, жорий йилда 199 нафар врач, 932 нафар ўрта тиббиёт ходими билимларини мустаҳкамлади. Қолаверса, 79 нафар шифокор АҚШ, Россия каби мамлакатларда хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиб қайтиди.

Бу ижобий кўрсаткичларнинг бари юртимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган тиббий ислохотлар самарасидир. Зеро, мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг саломатлиги ва келажаги фаровонлигини таъминлаш диққат-эътиборда. Бундай меҳрибонлик эртаси эгаларининг келгусидаги соғлом ва фаровон ҳаётини кафолатлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Юсуф МАЛИКОВ,**  
Навоий вилояти солиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

### Музей фондида «Ал-Ҳидоя» қўлёзмаси

Марғилон шаҳар тарихи музейи фонди Бурхониддин Марғиновичнинг «Ал-Ҳидоя» асари қўлёзмаси билан бойиди.

Гап шундаки, яқунланаётган йилда бу ерга 132 та янги топилма, маданий мерос намунаси ҳамда осорياتика келтирилган бўлиб, улар орасида Марғинович қўлёзмаси тарихий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ушбу маърифат масканига таширф буюрганлар аллома асарини зўр қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

### Ўзбекистон бадий академияси Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси

Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкали лойиҳасини яратиш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Танлов шартлари:**

1. Танловда профессионал ҳайкалтарошлар иштирок этадилар.
2. Яратиладиган эскизлар ўлчамлари ва ашёси муаллифлар ихтиёрига ҳавола қилинади.
3. Эскизлар ёзувчининг бадий сиймоси, руҳий-маънавий оламини ёрқин акс эттириши ҳамда юксак эстетик талаблар даражасида бажарилиши зарур.
4. Ғолиблар танлов ҳайъати томонидан аниқланади ва рағбатлантирилади.

**Муддат:** 2010 йил 20 январгача.

Барча зарур маълумотларни Бадий академиядан олиш мумкин.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 40-уй.  
**Телефон:** 253-34-97.

**PP «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»**

**ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ**

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм  
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ,  
КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ,  
ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДЧНЫЕ РАБОТЫ.

Говар сертификатирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАЗАК».  
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00.  
моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.  
e-mail: seou02006@yandex.ru

## NEW HOLLAND LB

Сизнинг муваффақиятингиз — бизнинг вазифамиз

TEL.: 120-60-97, 120-89-58.

**NEW HOLLAND CONSTRUCTION**

## Спорт • Sport • Спорт

# «ОЛИМПИА УМИДЛАРИ»ДА ТОВАНАЁТГАН ЁШЛАР

## юртимиз спорти доврўғини жаҳонга ёйишни мақсад қилишган

Мамлакатимизда Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Халқ таълими вазирилик ҳузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани бу борадаги эзгу савий-харақатларнинг изчил давом этишига хизмат қилади. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий шарт-шароитлар муҳайё қилинган қўлбал спорт қошоналари бунёд этилиб, ёшлар ихтиёрига берилгани шундан далолатдир.



лан шуғулланаётганлар орасидан республика, Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари сафидан жой олаётган ёшлар борлиги эса янада қувонарлиқдир.

Сирғали туманидаги «Олимпия умидлари» болалар спорт мажмуаси таъбир ҳов бўлса, Истиқлолнинг ёш авлодга туҳфасидир.

— Ушбу спорт иншоотимиз фаолият бошлаганига беш йил бўлди, — дейди мажмуа директори Акбар Бақиров. — Ихтиёримизда битта зал ва футбол майдони бор. Дастлаб иштирокчилар сони камчилики ташкил этган бўлса, бугун улар қарийб 550 нафарга етди. Эътиборли жиҳати шундаки, машғулотларда қизларнинг иштироки ҳам фаоллашмоқда. Ҳозирда мажмуамизда спорт билан шуғулланаётган қизалоқлар 150 нафардан зиёди ташкил этади. Мажмуада спорт би-

жамоя ҳисобида фахрлий биринчи ўринни қўлга киритишди. Италия терма жамоаси иккинчи, Япония каратэчилари эса учинчи ўринни эгалладилар.

Эслатиб ўтамиз, чемпионатда дунёнинг 40 та мамлакатидан 85 та жамоа иштирок этди.

**Ғолибдин АБИЛОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

## Ўзбек каратэчилари шоҳсупада

### Ўзбекистонлик спортчилар яккакураш турлари бўйича ўтадиган халқаро турнирларда доимо етакчилар сафида бўлишди.

Шу йилнинг 12-13 декабрь кунлари Италиянинг Удине шаҳрида каратэ бўйича жамоавар ўртасида VI жаҳон чемпионатида ҳам вакилларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Нуфузли мусобақада улар 6 та олтин, 3 та қумуш ва битта бронза медали билан умум-

жамоа ҳисобида фахрлий биринчи ўринни қўлга киритишди. Италия терма жамоаси иккинчи, Япония каратэчилари эса учинчи ўринни эгалладилар.

Эслатиб ўтамиз, чемпионатда дунёнинг 40 та мамлакатидан 85 та жамоа иштирок этди.

**У. ҲАКИМЖОНОВ.**

## ОБ-ҲАВО

(17 декабрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзғариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илқ ўртасида бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёнғинчилик қутимайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолӣ қисмида кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илқ атрофида бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёнғинчилик қуатилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёнғинчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

**Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёнғинчилик қутимайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёнғинчилик қуатилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илқ бўлади.

**Ташкент шаҳри.** Ҳаво ўзғариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 4-6 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## Халқ сўзи

### Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳооси келишилган нарҳда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Вегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпнов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов.  
Навбатчи — М. Охунова.  
Мусаҳҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.20 Тошпирлиди — 02.50

1 2 3 4 5